# ОКТЯБРЬ — БИЗНИНГ ТАҚДИРИМИЗДА

## ДАВР БИЛАН ҲАМОҲАНГ

**Ғ. ПАЛЛАЕВ,**
**Тожикистон ССР Олий Советн Президиумининг Раиси**

Мен республика Олий Совети Президиумига ҳар куни келадиган хат-хабарлар билан танишар эканман, Оржоникидзеободдан юборилган бир хабарни айниқса диққат билан ўқиб чиқдим. Бу ерда шаҳар Совети ижроия комитети раисини сайлаш янгичасига ўтган экан. Бу масъул лавозимга биринчи марта иккита номзод тавсия этилган эди. Уларнинг иккалови ҳам ишчан, билимдон ходимлар. Бироқ ошкора вазиятда, принципиал руҳда ўтган муҳокама чоғида депутатлар ўзини хўжалик соҳасида омилкор томонлари билан кўрсатган, айни пайтда одамлар билан муносабатларни оқилона йўлга қўя олган, инсон омилини ҳамма нарсадан устун қўядиган кишига овоз бердилар.

Бу бир шаҳар миқёсида бўлган воқеа. Лекин унда КПСС Марказий Комитети 1987 йил январь Пленуми руҳи яққол акс этган. Кўпроқ демократия бўлсин, кўпроқ ошкоралик бўлсин! — деган руҳ яққол акс этган.

Биз мазкур руҳни амалий ишларга айлантиришга ҳаракат қилмоқдамиз. Советлар фаолиятида бирмунча ижобий силжишлар кўзга ташланмоқда. Аммо улар ҳали етарли эмас. Республика ҳокимиятининг сайлаб қўйиладиган органлари ишида бир жойда депсиниш, эски андозалардан қутула олмаслик ҳоллари ҳали кучли. Ҳа, биз, ҳаммамиз демократияни ўрганмоқдамиз. Бу билан биз бутун ҳаётимиз давомида ленинча ўқиш мактабини ўтаймиз.

Бир пайтлар жуда ҳам қолоқ бўлган, ҳатто михни ҳам четдан келтирган ўлка СССР халқларининг қардошлик оиласида саноати ривожланган, замонавий қишлоқ хўжалигига, илғор фан ва маданиятга эга республикага айланди. Бир томчи сувга зор собиқ саҳролар гуллаб-яшнаган боғ-роғларга айланди. Вахш гидроузели шу ном билан аталувчи табиий воҳани ингичка толали пахта етиштириладиган йирик масканга, субтропик мевалар ва узумлар ғарқ пишадиган диёрга айлантирди.

Бугун республикамиз пойтахти кўчаларини бир айланиб чиқинг. Бу зебо шаҳар гувала уйли қишлоқ ўрнида вужудга келганлигига ишониш қийин. Ҳозир бутун мамлакатга маълум ва машҳур бўлган тожик кимёгарлари ва гидросозлари марказлари бўлмиш Норак, Ёвон, Роғун шаҳарларининг дунёга келиши ҳам Октябрь номи билан чамбарчас боғлиқдир.

Буларнинг ҳаммаси — она-диёрнинг ҳақиқий соҳибига айланган халқ онгли меҳнатининг моддий ифодасидир. Ана шу ҳис-туйғуни ҳар бир коллективда, ҳар бир меҳнатчида ҳар томонлама мустаҳкамлашни биз ўзимизнинг энг муҳим вазифаларимиздан бири деб биламиз. Шуниси сир эмаски, жамиятимизда турғунлик ҳоллари ҳукм сурган даврда ишга омилкорлик билан ёндашиш ўрнига айрим жойларда лоқайдлик, бепарволик, ижтимоий пассивлик эгаллади. Янгиланиш шабадаси бизга Советлар мамлакатининг тарихи бошлаб берган мамлакатимизда рўй бераётган ҳамма нарсалар учун шахсий жавобгарлик ҳиссини қайтариб берди. Омма орасида оддий, аммо доно хулоса: бизнинг умумий уйимизда тартибни ҳамманинг куч-ғайрати туфайлигина ўрнатиш мумкинлиги, бу куч-ғайратлар эса ҳар бир кишининг куч-ғайрат сарфлаш билан пайдо бўлиши борган сари кўпроқ қарор топмоқда.

Бунинг учун Советлар жуда кўп ишларни қилишлари мумкин ва шунга мажбурдирлар. Шуниси қувончлики, кейинги пайтларда Советлар фаолиятида анчагина янгиликлар бўлди. Халқ хизматкорлари маҳаллий Советларнинг сессияларида анъанавий бўлмаган, лекин ҳаётнинг ўзи туртки бераётган масалаларни тез-тез кўтариб чиқмоқдалар. Булар — ўлканинг табиий бойликларидан янада оқилона фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, қишлоқ жойларда мўъжаз саноат корхоналарини барпо этиш, айниқса бизнинг республикамиз учун ғоят аҳамиятга эга бўлган аҳолини иш билан таъминлаш масалаларидир.

Депутатларнинг кўпгина таклифлари кенг миқёсли программалар асосини ташкил этмоқда. Тожикистоннинг тоғли ва тоғолди районларида йирик картошкачилик зоналарини жадаллик билан барпо этиш ҳақидаги қарор шу йўсинда қабул қилинди. Бу КПСС XXVII съезди қарорларида кўзда тутилганидек, 1990 йилга бориб республикамизга ўзини-ўзи ана шу маҳсулот билан тўла-тўкис таъминлаш имконини беради.

Мамлакатнинг пахтакор районларида Тожикистон пахтакорларининг КПСС Марказий Комитети маъқуллаган ҳосилни ўқувчилар ва студент ёшларни жалб этмасдан йиғиб-териб олиш тажрибаси кенг оммалашмоқда. Бу ташаббусни Мастчоҳ, Ёвон партия ташкилотлари билан биргаликда бир қатор бошқа районларнинг маҳаллий Советлари бошлаб бердилар. Депутатлар даъватига кўра пахта йиғим-теримига қишлоқларнинг меҳнатга яроқли барча аҳолиси чиқди. Депутатларнинг шахсий ибрати сафарбар қилишга даъват этувчи энг яхши шиорлардан кўра кўпроқ таъсир этди.

Тожикистонда хотин-қизлардан чиққан биринчи ревком раиси Зайнаббиби номи билан аталувчи қишлоқ Совети халқ депутатларининг ташаббуси ҳам кенг қулоч ёйди. Улар Ленин районидаги ана шу қишлоқларни маданий-маиший жиҳатдан намунали қишлоқларга айлантириш ташаббусини бошладилар. Ҳозир мазкур қишлоқларнинг обод, кўркам кўчалари ва ям-яшил хиёбонларига, халқ усталари қўли билан чиройли қилиб безатилган клублар ва кутубхоналарга қараб одам қувонади. Бунинг учун аслида унчалик кўп маблағ талаб этилгани йўқ. Маҳаллий Советлар асрлар синовидан ўтган анъанавий халқ одати — ҳашар усулидан моҳирлик билан фойдаландилар.

Маҳаллий Советлар ишининг ташкилий шакллари ҳам такомиллаштирилмоқда. Сессияларда аввалига ғайри-табиий бўлиб туюлган ҳол — анъанавий докладчиларнинг бўлмаслиги, энг муҳим, ўткир, етилган масалалар устида зўр манфаатдорлик билан сўз юритилиши — шундан далолатдир. Ижроия комитетлари ва доимий комиссияларнинг қўшма мажлисларини ўтказиш одат тусига айланмоқда. «Очиқ хатлар кунлари»да, «Жойларда ҳал этилади» ижтимоий-сиёсий клуби мажлисларида жонли мунозаралар бўлмоқда.

Республика меҳнаткашлари ўз ораларидан баобрў раҳбарларни юқори лавозимларга кўтарар эканлар, шу билан бирга уларнинг ишончини оқламаётган, халқ хизматкори деган юксак номга доғ тушираётган шахсларга нисбатан қаттиқ талабчан бўлмоқдалар. Республиканинг Колхозобод, Зафаробод районларида депутатларнинг чақириб олинганлиги амалда демократиянинг рўёбга чиқаётганлигига бир мисол бўлди. Бир қатор маҳаллий колхозлар ва совхозларнинг раҳбарлари, пахта экилган ерларни яшириб қолиб, ясама шон-шуҳрат соясида қатор йиллар юрдилар. Қўшиб ёзиш билан шуғулланган, одамларни қариндош-уруғчилик ва шахсга садоқатига қараб кўтарган кишилар ҳам депутатлик мандатидан маҳрум этилди.

Баъзи кишилар ушбу сатрларни ўқиб, мақоланинг бундай «юбилейбоп» жанрида камчиликлар ҳақида намунча кўп гапирди, деб ўйлашлари мумкин. Мен бунга жавобан ҳаммага яхши таниш ленинча қоидани — революция йиллигини нишонлашнинг энг яхши усули — диққат-эътиборни ҳал этилмаган масалаларга қаратиш керак, деб жавоб бермоқчиман. Бундай камчиликлар эса бизда ҳали кўп. Чунки биз қайта қуришнинг пойдеворини энди қўймоқдамиз. Асосий иш — олдинда турибди.



Қардошлик адреслари бўйлаб: Тожикистон ССР

## Интилишлар муштарак бўлгач

Одатда улкан зафарлар-у, катта муваффақиятлар замирида бирлик ва аҳиллик ётади. Агар коллективда аҳиллик қарор топган бўлса, муваффақиятлар яна ҳам сарбаланд бўлади, зафарли одимлар залворли бўлади. Буни Қумсангир районидаги В. И. Ленин номли колхоз мисолида кўриш мумкин.

Хўжаликда турли миллат ва элатга мансуб кишилар ягона мақсад йўлида меҳнат қилишади. Интилишлар ва изланишлар муштарак бўлгач, ҳар қандай оғир вазифа ҳам енгилгина бажарилади. Шунинг учун ҳам колхоз бутун республикада машҳур.

Хўжаликда яшовчи барча қишлоқ аҳли худди ягона оиладагидек яшашади. Миллий урф-одатлар ҳам бир-бирига уйғунлашиб кетган. Интернационал яшаш тарзи, урф-одатлардаги муштараклик уларнинг мақсад ва интилишларини ҳам бирлаштириб юборган.

**Суратда: колхоз правлениесининг аъзолари қимматли чорва озуқаси — рапсни йиғиштириб олиш олдидан далаларни кўздан кечиришяпти. Чапдан-ўнгга агроном-энтомолог, белорус Ольга Тихоновна Лошкина, колхоз раиси, тожик Илҳом Сафаров, колхоз раисининг чорвачилик бўйича ўринбосари, украин Николай Николаевич Сисса ва ўсимликшунослик бўйича раис ўринбосари, ўзбек Умурзоқ Нормўминович Қурбонов.**



## ЗЕБО ШАҲАР

**Тожикистон ССР пойтахти Душанба Ўрта Осиёнинг энг кўркам ва жозибадор шаҳарларидан бири. Меҳмоннавоз бу шаҳар Шарқ миллий меъморчилик анъаналари билан замонавий архитектура ютуқларининг уйғунлашганлиги, гўзал хиёбонлар-у осмонўпар бинолари билан киши диққатини ўзига тортади. Шаҳар кун сайин яшармоқда. Бунёдкор халқнинг ғайрат-шижоати билан унинг ҳуснига-ҳусн қўшилмоқда. Бу ердаги ҳар бир кўча, ҳар бир хиёбон ва кўркам бинода турли халқ вакилларининг бир жону бир тан бўлиб амалга ошираётган ишларини кўриш мумкин. Зеро, Душанбанинг бугунги кўрки, порлоқ истиқболи, зафарли ҳаёти интернационализмнинг буюк қудратидан нишонадир.**

**Суратда: шаҳарнинг марказий хиёбони ва Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биноси.**



## Ҳаёт мазмуни

Озодий Устабоевни Тожикистонда билмайдиган киши йўқ. Уни ўқитувчилар ўқитувчиси сифатида бутун республика билади. Ўзининг узоқ умр кўрувчилари билан фахрланадиган ўлкада 60 ёшли педагог алоҳида ҳурмат ва эҳтиромга эга. 40 йилдан ортиқроқ вақтдан буён у тарихдан — дарсликлар орқали вужудга келган эмас, аксинча ҳаёт дарсидан вужудга келган фандан сабоқ беради.

Унинг тақдири биринчи кунларданоқ худди афсоналардагидек вужудга келди.

— 1927 йилнинг 1 майи. Қадимий Ўратепа майдонида биринчи марта халқаро бирдамлик кунини нишонлаш учун байрам либосидаги аёллар эркаклар билан бирга чиқишди. Намойиш қатнашчилари орасида бир аёл шиддат билан паранжисини ташлаб, минбарга тез кўтарилди. Оломон орасидан унинг жарангдор овози янгради: «Ўртоқлар! Ниҳоят биз ҳам одам бўлдик! Қуллик, азоб-уқубат тугади!» Одамлар беихтиёр унга қарашди. Ўшандан буён бу жасур аёл — Адолат Устабоеванинг номини ҳамиша эсда сақлайдилар. Унинг ўғли Озодий —яъни озодлик деб аталгани бежиз эмаслигини алоҳида таъкидлашади. Бу номни болакай ўзига фахр-ифтихор деб билиб, комсомол активи бўлди.

Озодий Устабоев олтмишга кирди. Унинг биографиясининг ҳар бир саҳифаси она-юртининг тарихи билан боғлиқ. Ўн саккиз ёшида мактабга, болаларни ўқитишга келди. У нафақат болаларда савод чиқариш, балки уларга дўстлик, ўртоқларча муносабат ва ўзаро ҳамкорлик сингари совет характерининг асосини ташкил этадиган фазилатлардан ҳам сабоқ берарди. У дарс ўтадиган синфда уруш болалари — фронт атрофидаги районлардан эвакуация қилинган болалар ўқишарди. Бутун мамлакат уларга ёрдам берарди. Олис Ўратепага Россиядан ҳам ўқув қўлланмалари ва дафтарлар посилкаси келиб турарди. Озодий эса ўзининг шахсий кутубхонасини мактабга кўчирди. Нонини ўқувчилар билан баҳам кўрди. Ана шундай оғир пайтларда совет турмуш тарзининг афзалликларини намоён этди.

Озодий Устабоев оддий йўлни танламади. Бироқ бу йўл у учун ягона ва шарафли. Одамларни ёруғликка, ҳақиқатга, демакки, озодликка бошлаш йўли бу!

**Л. ТОЖИБОЕВ.**
**Ўратепа.**

## Заминнинг бахтиёр қизи

«Кун ойнаси». Шоира Гулрухсор Сафиева ўзининг янги шеърлар тўпламини аниқ ва образли номлади.

— Мен уларда ўлкам ҳақида, замин ва одамлар қалбидаги баҳор ҳақида сўзламоқчиман, — дейди шоира.

Унинг шеърлари содда ва гўзал, тоғ қўшиқларига, халқ оҳангларига ўхшайди. Уларда булоқ тиниқлиги бор Гулрухсор доим халқ оғзаки ижоди анъаналарини чуқур эгаллаб, шеърий камалакни ҳаёт инъом этаётган янги ранглар билан бойитишга интилади.

Гулрухсорнинг «Шарқ қизи» номли шеъри бор. У камситилган, унутилган ва бирдан ҳаёти уфқида озодлик тонги отган аёллар ҳақида.

— Энди хотин-қизларнинг ҳуқуқсизлиги, «қора тўр» — паранжи ортида нафас оладиган ҳаёт ҳақида фақат бувиларимизнинг ҳикоясидан билиш мумкин, холос, — дейди шоира.

«Инқилоб — инсон бахти!» — таъкидлайди шоира. Зеро, у билан бирга ўз тақдирини ўзи яратишдай шарафга эришган миллион-миллион замондошларининг фикри бу!

## Дилимиз тубида, кўзимиз устида

Тожик дўстларимиз билан моддий ва маънавий ҳаётимизнинг деярли ҳамма жиҳатлари бўйича бир хил, муштаракмиз. Амударёмиз жўшқин Панждан бошланади. Сирдарёнинг бир томони — Ленинобод, иккинчи томони — Тошкент. Мирзачўлда пахтакор совхозларимиз бир-бирига туташиб кетган. Қадим маданият, адабиёт ва санъатимиз бир-бирига уйғун, ҳамоҳанг, ҳамфикр, ҳамранг.

Қирқинчи йилларни эслайман. Эрталаб нонушта вақтида Ғафур Ғуломнинг тўсатдан:

— Юр, ука, Самарқандга бориб, Айний домлани зиёрат қилиб келайлик! — ёки: — Мустафо, машинани гараждан олиб чиқ, Хўжандга кетдик! — деб қолишига биз ажабланмас эдик. Раҳим Жалил Хўжандда яшар, Ғафур Ғулом бу тожик биродариникига ҳам тез-тез бориб турарди.

Абулқосим Лоҳутий, Садриддин Айний, Мирзо Турсунзода, Раҳим Жалил, Жалол Икромий ва яна бир қанча тожик олимлари, ёзувчилари, шоирларининг Ғафур Ғулом хонадонидаги суҳбатлари, тарих масалалари, адабиёт муаммолари бўйича тонготар давом этган қизғин мунозаралар адабиётшуносларимиз томонидан ўрганилиб, қаламга олинишга лойиқдир.

Тожик ва ўзбек тилларида баробар ижод қилган С. Айний Самарқанддаги учрашувларимиздан бирида Ҳамза билан бу ерда бир неча марта кўришганини, Ҳамзанинг «Яша, Шўро!» ва бошқа инқилобий шарқияларини унинг ўз оғзидан эшитганини, унинг янги театр яратиш борасидаги ҳаракатларига кўмаклашганини сўзлаб бергани ёдимда. Роман ва қиссаларини икки тилда ёзган С. Айний ўзбек совет адабиётининг классиклари Ойбек, Ғафур Ғулом ва Ҳамид Олимжон билан, айниқса, Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллигига тайёргарлик ва уни ўтказиш даврида қизғин ҳамкорлик қилди.

Ўзбек адиблари Мирзо Турсунзода, Мирсаид Миршакар, Улуғзода, Деҳотий, Боқи Раҳимзода, Фотеҳ Ниёзий, Ҳабиб Юсуфий, Аминжон Шукуҳий билан таниш, дўст.

Турсунзода Тошкентда ўқиган. Улуғзода чустлик, Жалол Икромий тарихий-инқилобий мавзуларда ёзган романларига Бухоро тарихи ва халқ инқилобини мавзу қилиб олган, Фотеҳ Ниёзий нинг йирик насрий асарларида рус, тожик, ўзбек, украин, қозоқ халқлари фарзандларининг Улуғ Ватан уруши йилларида чиниққан дўстлиги ҳақида ҳикоя қилинади.

Кўпмиллатли совет адабиётида халқларнинг ленинча дўстлиги мавзуи — энг ҳаётбахш бош мавзудир.

Ўзбек ва тожик халқларининг янги санъати — реалистик драма театри, операси, балети ҳам бир вақтда, ҳамкорликда яратилди. Янги музика ижодкорлигимиз машҳур халқ ижрочилари: Ҳожи Абдуллазиз, Домла Ҳалим Ибодов, Тўйчи ҳофиз Тошмуҳамедов, Ака Шариф Жўроев, Толмазовлар бой тажрибаси ва анъаналарига асослангандир.

Биз эндиликда тожик адабиётининг етук вакиллари Мўмин Қаноат, Гулрухсор Сафиева, Убайд Ражаб, Шерали Лойиқ, Ғаффор Мирзо, Қутби Кором, Мастон Шерали, Ҳабибулло Файзуллолар билан фахрланамиз.

КПСС XXVII съезди белгилаб берган янги давр — қайта қуриш даврида кўпмиллатли совет адабиёти ва санъати олдига янги буюк вазифалар қўйилди. Барча ижодкорлар ҳамжиҳат, ҳамкор бўлиб, бир-бирларининг тажрибаларидан фойдаланиб, қаҳрамон халқимиз жасоратини юксак бадиият билан ҳаққоний тасвирлаб беришга бурчлидирлар.

Тожикистон Норак ва Роғун ГЭСлари, замонавий саноат корхоналари, аъло сифатли «оқ олтин»и, ширин-шарбат мевалари, илғор фани, янги маданияти, санъати ва адабиёти билан мамлакатга машҳур. Айни вақтда, республика янги даврнинг янги вазифаларини ҳал этишга сафарбар.

Қардошлар диёрида ҳаёт худди Варзоб дарёсидай қайнаяпти. Варзоб — абадий ҳаракат ва юксакликка мардона интилиш рамзи!

Душанбанинг нақ тепасида,
Яшил тоғлар қўланкасида
Варзоб қайнайди.
Тошни тошга уриб,
кутуриб,
Тўлқинлари оппоқ
кўпириб,
Варзоб қайнайди,
Дилим ўйнайди.
Ёшлигимга ўхшайди дарё,
Тойчоқ каби кишнайди
дарё,
Мангу бетиним.
Танасига сиғмайди жони,
Шовқинидан янграр
ўзани,
Менинг шўх иним,
Мангу бетиним.

Шеърдай, қўшиқдай, халқ орзуларидай, қалбинг туғёнларидай қайнасин янги ҳаётинг, жондош Тожикистон!

**Ҳамид ҒУЛОМ,**
**Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси, СССР Давлат мукофоти лауреати.**



**Тожик миллий санъати ниҳоятда қадимий, шу билан бирга бой ва ранг-барангдир. У ўзининг жозибаси, нафислиги ва сермазмунлиги билан, ўзига хос анъаналари билан диққатни тортмоқда. Тожикистонда санъатга ошифта бўлмаган кишини топиш қийин. Шунинг учун ҳам жуда кўп хўжаликларда, ташкилот ва корхоналарда минг-минглаб санъат мухлислари бадиий ҳаваскорлик тўгаракларида қатнашадилар.**

**СУРАТДА: ўзининг профессионал маҳорати ва бой репертуари билан республикада танилган Панж районидаги «Правда» колхозининг «Умид» ашула ва рақс ансамбли қатнашчиларини кўриб турибсиз.**

## Тоғ ўлкаси қўшиғи

Тожик филармониясида янги ташкил этилган фольклор— этнографик ансамбль томошабинларга халқ қўшиқлари гулдастасини тақдим этди. Шуниси характерлики, ансамбль раҳбарларидан бири — республика халқ артисти хонанда Зафар Нозимов ўзини узоқ йиллар мафтун этган халқ санъатини чуқур ўрганиш мақсадида филология факультетига ўқишга кирди. Ўрта Осиё республикаларида машҳур рaққоса Тожикистон халқ артисти, ансамбль балетмейстери Гавҳар Миржумаева билан биргаликда узоқ-узоқ шаҳар ва районларни кезди. Истеъдод соҳибларини қидирди. Ҳозир бу истеъдодларнинг сони элликдан ошган.

Айни пайтда республикада 13 та профессионал театр мавжуд. Улар орасида А. Лоҳутий номидаги Тожик давлат академик драма театри, С. Айний номидаги Тожик давлат академик опера ва балет театри, А. Рудакий номидаги Хоруғ область музикали драма театри кенг томошабинлар орасида машҳур. Уларнинг репертуаридан рус ва Европа классик асарлари ҳам ўрин олган.

Катта бўлмаган шаҳар ва район марказларида 21 та халқ театри мавжуд. Улар саҳна санъатини иккинчи истеъдод деб билган кишиларни ўз ичига олган.

## СИНОВ ЙИЛЛАРИДА

Улуғ Ватан уруши барча совет кишилари қатори тожик халқи учун ҳам синов йилларига айланди. Тожик халқининг ўғлонлари социализм ғалабаларини сақлаб қолиш учун, озодлик, ўз фарзандлари бахти, бутун инсониятнинг мусаффо осмони йўлида қўлларига қурол олдилар.

Тожикистон фарзандлари Москва остоналарида, Волга соҳилларида, Курск, Орёл ва Ленинград ёнида жанг қилдилар. Улар она-Ватанимизнинг бошқа жангчилари сафида туриб Киев, Минск, Кишиневни озод қилдилар. Она-Ватан Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари: Неъмат Қорабоев, Домулла Азизов, Алексей Дмитриев, Саидқул Турдиев, Исмат Шарипов, Иван Протопопов, Сафар Амиршоевларни ҳеч қачон унутмайди. Тожик халқининг 51 ўғлони жангларда кўрсатган мардлиги ва жасорати учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди. 15 жангчи учала даража «Шуҳрат» орденлари билан тақдирланди. 50 мингдан зиёд жангчи эса СССР орден ва медаллари билан мукофотланди.

Меҳнат фронтида ҳам жуда кўплаб кишилар жасорат намуналарини кўрсатдилар.

Саҳифада ТАСС материалларидан фойдаланилди.

